3. Молиявий натижалар тугрисида хисобот шаклида юкоридаги муомалаларни курсатиб беринг.

## 8 МАВЗУ:

## БОШК^РУВ ХИСОБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ
**Тест саволлари**

1. Харажатларнинг узгаришини, «узини тутиши»ни урганиш бахолар буйича карорлар кабул килиш учун асосдир. Сиз шу фикрга кушиласизми?

а)ХА

б)ЙУК,

2. Бахолар буйича тегишли карорлар кабул килинаётганда ишлаб чикариш харажатлари одатда, куйидагилардан кайси бирини уз ичига олади?

а) тугри ишлаб чикариш харажатлари

б) эгри ишлаб чикариш харажатлари

в) иккаласини хам

г) иккаласини хам эмас

3. Бахолар буйича тегишли карорлар кабул килинаётганда, корхона менежерлари, купчилик холларда харажатлар базасига хам узгарувчан, хам доимий харажатларни кушишни афзал курадилар, Сиз шу фикрга кушиласизми?

а)ХА

б)йук,

4. Корхонанинг ишлаб чикараётган бир дона махсулотига тугри келадиган узгарувчан харажатлар 50 п.б.ни ташкил килмокда. Доимий харажатларнинг умумий микдори 1 000 000 п.б.да булиб, у ишлаб чикарилган барча махсулот хажмига нисбатан баравар таксимланади. Махсулотнинг сотиш бахоси тулик харажатларга яна 10 фоиз устамани куйиш билан аникланади. Агар жами 100 000 бирлик махсулот ишлаб чикарилган булса, махсулот бирлигининг бахоси канчага тенг булади?

а) 55п.б.

б) 60 п б.

в) 61 п.б.

г) 66 п.б.

5. Корхона 200 000 бирлик махсулот сотмокчи. Доимий харажатлар 400000 п.б.ни ташкил килган, узгарувчан харажатлар сотув бахосининг 60%ни ташкил килади. Шу холатда 100 000 п б.даги операциявий фойда олиш учун бир дона махсулотнинг сотиш бахоси канчага тенг булиши лозим?

а) 3.75 п.б,

б) 4.17 п.б.

в) 5.00 п.б.

г) 6.25 п.б.

6. Корхона бир ойда 8 000 бирлик маҳсулот ишлаб чиқадради ва сотади. Жами ишлаб чиқариш харажатлари 560 000 п.б.ни ташкил қилади, шундан 160 000 п.б. - ўзгарувчан, 400000 п.б. - доимий. Корхонанинг ишлаб чиқаришда фойдаланилмаётган, бир ойда 2 000 бирлик қўшимча махсулот ишлаб чиқара олиш имконияти мавжуд. Шу хажм бўйича махсус буюртма қабул қилиш масаласи кўтарилса, корхона қуйидаги баҳолардан қайси бирини ўзига маъқул топиши мумкин?

а) 17 п.б.
б) 73 п.б.
в) 62 п.б.
г) 21 п.б.

7. Корхона ўз активлари рентабеллигини - 30 % атрофида бўлишини хохламокда. Бир ҳил турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш учун корхонадаги мавжуд активларнинг умумий суммаси - 100000 п.б.га тенг. Келгуси йили сотилиши мумкин бўлган хажм тахминан 10 000 бирликни ташкил қилади. Бир дона маҳсулотни ишлаб чиқариш харажатлари бўлса қуйидагича: ўзгарувчан ишлаб чиқариш харажатлари - 5 п.б., доимий ишлаб чиқариш харажатлари - 1 П.б., шунингдек, доимий тижорат ва маъмурий бошқарув харажатлари - 2 п.б. Пуллик таннарх хисоби бўйича топингчи, бир дона маҳсулотнинг сотув бахоси қанчага тенг булади?

а) 5 п.б.
б) 8 п.б.
в) 10 п б.
г) 11 п.б.

## Муаммолар ва вазифалар

### 1. Турли усуллардан фойдаланиб баҳоларни аниқлаш

"Шухрат" корхонаси уч турдаги ўйинчоқдар ишлаб чиқаради енгил машиналар, тиркагичли юк машиналари ва фургонлар. Хар бир автомобил турларини ишлаб чиқариши билан боғлик бўлган харажатлар тўғрисидаги қуйидаги маълумотлар мавжуд:

1-жадвал

| | Сарф-харажатаар | Жами | Енгил машиналар | Юк машиналари | Фургон |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Материаллар: | | | | |
| | металл | 137000 | 62500 | 29000 | 45500 |
| | укдар | 5250 | 2500 | 1000 | 1750 |
| | ғилдираклар | 9250 | 3750 | 2000 | 3500 |
| | ранг-буёклар | 70500 | 30000 | 16000 | 24500 |
| 2 | Мехдат харажатлари | | | | |
| | штампалаш | 53750 | 22500 | 12000 | 19250 |
| | паивандлаш | 94000 | 42500 | 20000 | 31500 |
| | ранг бериш | (07500 | 45000 | 24000 | 38500 |
| | териш-йигиш | 44250 | 17500 | иооо | 15750 |
| | | | | | |
| | Билвосита мехнат харажати | 173000 | 77500 | 36000 | 59500 |
| | Бевосита қўшимча сарфлар | ЗПООО | 12500 | 7000 | \|10_500 |
| | Ўзгарувчан ишлаб чиқариш харажатлари | 90500 | 40000 | 19000 | 31 500 |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | Доимий ишлаб чиқариш харажатлари | 120 000 | 45% | 25% | 30% |
| | Тижорат харажатлари | 105000 | 40% | 20% | 40% |
| | Маркетанг бўйича ўзгарувчан харажатлар | 123 000 | 55000 | 26000 | 42000 |
| | Маркетинг бўйича доимий харажатлар | 85400 | 40% | 25% | 35% |
| | Маъмурий бошқарув харажатлари | 47600 | 40% | 25% | 35% |

Корхона хар бир махсулот туридан, энг камида харажатлар миқдоридан 30% хажмида фойда олишни режалаштирган.

Реализаиия хажми қуйидагича белгиланган:

енгил машинаяардан - 50 000 дона;

тиркагичли юк машиналаридан - 20 000 дона;

фургонлардан - 35 000 дона.

Захира хажми ўзгармасдан колади.

Талаб қилинади:

Қуйидаги усуллардан фойдаланиб, хар бир автомобиль турининг сотиш бахосини аниқлаш:

а) ялпи фойда;

б) сотув рентабеллиги.

2. Таннархни хисоблаш ва бахоларни аниқлаш.

"АВ" корхонаси автомобиль шиналарини ишлаб чиқаради. Корхонанинг йил давомидаги фаолияти тўғрисида қуйидагича маълумотлар мавжуд:

ўзгарувчан ишлаб чиқариш харажатлари 1 530 000

доимий ишлаб чиқариш харажатлари 540 000

тижорат харажатлари 360 000

маъмурий-бошқарув харажатлари 202 500

кузда тутилаётган фойда миқдори 337 500

Шу йили корхонанинг автомобиль шиналарига бўлган талаби 450 000 донани ташкил қилади деб хисоб-китоб қилинган.

Талаб қилинади:

Бир дона махсулотнинг лойихалаштирилаётган таннархини хисоблаб беринг.

Қуйидаги усуллардан фойдаланиб, махсулот бахосини хисоблаб беринг:

а) ялпи фойда усули;

б) сотув рентабеллиги.

3. Кўрсатилаётган хизмат бахосини аниқлаш.

"ВС" корхонаси йирик шохли моллардаги касалликларни текшириш ва уларни даволаш билан шуғулланади. Ана шундай текширишлар энг камида бир йилда бир марта ўтказилиши лозим. Йил давомида содир этилиши режалаштирилаётган харажатлар тўғрисида қуйидаги маълумотлар мавжуд:

тўғри мехнат харажатлари 425000

ўзгарувчан ишлаб чиқариш харажатлари 350 000

доимий ишлаб чиқариш харажатлари 237 500

маркетинг харажатлари 162500

маъмурий-бошқарув харажатлари 13750

кузда тутилаётган фойда миқдори 125 000

фойдаланилаётгзн активлар миқдори 781250

Шу йили корхона 125 000 бош қорамолни текширишдан ўтказиши ва эмлаши мумкин. Активларнинг ўртача рентабеллиги — 16%,

Талаб қилинади:

Вир дона қорамолни текшириш-эмлаш харажатлари таннархини хисоблаб беринг. Қуйидаги усуллардан фойдаланиб, текшириш-эмлаш бахосини хисоблаб беринг:

а) ялпи фойда усули;

б) сотув рентабеллиги.

Вазиятли масала

"Ўткир" ОТАЖ мебеллар ишлаб чиқдради. Мебелларнинг бахоси, уларнинг турларига қараб 10 000 сўмдан 250 000 сўмгача. Охирги ўн йиллик давомида акциядорлик жамияти мебелларнинг бахосини белгилашда ишлаб чиқариш таннархи миқдорига 20% устама қўйиш тамойилига асосланиб келмокда. Хусусан, яқиндагина ишлаб чиқарилган мебелларга бахр белгилаш қуйидагича амалга оширилган:

тўғри материал харажатлари 5 000

тўғри мехнат харажатлари 8 000

умумишлаб чиқариш харажатлари 2 000

жами харажатлар суммаси 15 000

20% устама 3 000

сотиш бахоси 18 000

мабода харидорларнинг бахо қаноатлантирмаса, у холда директор мебель бахосини 5% гача камайтиришга рухсат берган. Шу холда устаманинг миқдори мос равишда 15%ни ташкил этади.

Акциядорлик жамиятининг менежери бахолар ва бахоларни белгилаш бўйича махсус тахлил килинган малака ошириш курсларида қатнашиб, маржинал фойда усулини яхши ўрганиб қайтди. Менежер маржинал усулнинг амалдаги усулга қараганда анча афзал ва самарали бўлиши мумкинлигини сезди.

Сарф-харажатлар бюджетида умумишлаб чиқариш харажатлари миқдори 150 000 сўмни ташкил қилиб, унинг 90 000 сўми доимий ва 60 000 сўми ўзгарувчан умумишлаб чиқариш харажатларидир.

Талаб қилинади:

1. Фараз қилайлик, акциядорлик жамияти ишлаб чиқариб таклиф қилаётган мебелга бўлган хар иккала нархни хам харидор қабул қилмади, яъни мебель 18 000 сўмга хам, 15 750 (5% чегирма) сўмга хам сотилмаяпти. Харидор 15 000 сум бахони таклиф килаяпти.

а) менежер маржинал усулдан фойдаланиб белгилаши мумкин бўлган энг паст сотув бахоси қанча сўм булади?

б) ана шу энг паст сотув бахосини харидор қабул қилса, у холда фойда суммаси қанчани ташкил қил ад и?

2. Мебелга сотув бахосини белгилаш усулнга қараганда маржинал усулнинг нима афзалликлари бор?

3. Бахони белгилашдаги маржинал усулнинг қандай камчиликлари мавжуд

## 9-МАВЗУ:

## ТРАНСФЕРТ БАХОНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

**Мисол:Ишлаб чиқариш харажатлари хисоби ва махсулот таннархини аниқлаш.**

"Истиқлол" хиссадорлик жамияти китоб жавони ва кийим жавони ишлаб чиқаради. Корхона қувватининг 40%ини, китоб жавони, кийим жавони эса 20%ини ташкил этиши белгиланган. Миқдор кўринишида китоб жавони 1000 дона, кийим жавони эса 500 донадан иборат.

Қуйидаги жадвалдан норматив (меъёрий) таннарх хар бир махсулот тури учун тасдикланг: (сўм хисобида).

| № | Кўрсаткичлар | Махсулот тури | | Жами |
|---|---|---|---|---|
| | | | Кийим жавони | |
| 1 | Нормaтмв баходаги материаллар қиймати | 2700 | 1800 | |
| 2 | Корхонанинг ўзида ишлаб чиқарилган ярим фабрикатлар | 4650 | 900 | |
| ^ | Норматив бўйича ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимларнинг иш хақи | 1050 | 1950 | |
| 4 | Норматив бўйича ижтимоий суғуртага ажратмалар | 420 | 780 | |
| 5 | Норматив бўйича умумишлаб чикариш харажатлари | 2250 | 4200 | |
| | Жами | 11070 | 9630 | |
| 6 | Қўшилган қиймат солиғи (ҚДС)-сиз сотиш баҳолари | 12000 | 10200 | |
| 7 | Ишлаб чиқаришдан олинган фойда | 930 | 570 | |

**Топшириқ**

Агар корхона тўла қувват билан ишлаганида юқоридаги норматив харажатлар қанчани ташкил этиб, ишлаб чиқариш хажми билан сотиш хажми бир-бирига тенглиги шароитида фойда суммаси қанча бўлади?

2. Хар бир харажат моддаси бўйича бир бирлик махсулотинииг норматив таннархини алохида махсулот тури учун хисоблаб топинг.

Худди шу тартибда сотиш бахосини хам хисобланг.

3.

4. Корхона раҳбариятига рентабелликни ошириш буйича таклифлар беринг.

**Мисол: Тайёр маҳсулотларни ҳисобга олиш, сотиш ва молиявий натижаларни аниқлаш ҳисоби**

"Мустақиллик" ҳиссадорлик жамиятида икки турдаги (А ва Б) махсулотлар ишлаб чиқарилган ва улар буйича қуйидаги кўрсаткичлар мавжуд:

| № | Кўрсаткичлар | Улчов бирлиги | А | В | Жами |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Сотилган махсулот хажми | Дона | 50 | 100 | 150 |
| 2. | 1 донанинг баҳоси | сўм | 2000 | 4000 | - |
| 3. | Сотиш маҳсулот қиймати | сўм | 100000 | 400000 | 500000 |
| 4. | 1 бирлик махсулот хажмига тўғри ксладиган узгарувчан харажатлар | сўм | 1200 | 290О | - |
| 5. | Жами маҳсулот хажмига тўғри келадиган ўзгарувчан харажатлар | сўм | 60000 | 290000 | 350000 |
| 6. | Доимий харажатлар | сўм | X | X | 100000 |

Координата текислигида А маҳсулот бирлигининг критик нуқтасини X хамда В махсулот бирлигининг критик нуқтасини 2X деб олинг.

Хиссадорлик жамиятининг бошқаруви сотилган махсулот таркибини қуйидаги кўринишда ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қилди:

| № | Кўрсаткичлар | Улчов бирлиги | А | в | Жами |
|---|---|---|---|---|---|
| I. | Сотилган махсулот хажми | Дона | 80 | 70 | 150 |
| 2. | 1 донанинг бахоси | сўм | 2000 | 4000 | - |
| 3. | Сотиш махсулот киймати | сўм | 160000 | 2800000 | 440000 |
| 4. | 1 бирлик маҳсулот хажмига тўғри келадиган ўзгарувчан харажатлар | сўм | 1200 | 2900 | - |
| 5 | Жами махсулот хажмига тўғри келадиган узгарувчан харажатлар | сўм | 96000 | 203000 | 299000 |
| 6. | Доимий харажатлар | сўм | X | X | 100000 |

**Топшириқ:**

1. Махсулотлар хажми ва жами харажатлар мутаносиблиги тамойилидан келиб чикиб, доимий ва ўзгарувчан харажатлар таъсирида маржинал даромад (фойда)ни хар бир махсулот тури буйича аниқланг ва чизма шаклида акс эттиринг.
2. Махсулот хажмини умумий миқдорининг ўзгариш (150 дона) ассортимент ўзгариши натижасида содир бўладиган соф фонда миқдорини аниқланг, бу муомалаларни счетлар корреспонденцияси орқали акс эттиринг.
3. Молиявий натижалар тўғрисида хисобот шаклида юқоридаги муомалаларни кўрсатиб беринг.

**Мисол: Тайёр маҳсулотлар, уларни**
**сотиш ва молиявий натижалар ҳисоби.**

«Файз» компанияси 2000 йилдай офис мебелларининг битта моделини ишлаб чиқаради. Маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун 1-чорак давомида қуйидаги харажатлар қилинган:

1). Иш хақи:

- ишлаб чиқаришдаги ишчиларга – 800000 сум.
- ноишлаб чиқаришдаги ишчиларга – 250000 сум.
- маҳсулотни сотиш билан банд бўлган ходимларга – 300000 сум.
- маъмурият ходимларига – 150000 сум.

2). хом-ашё ва материаллар – 1140000 сум.
3). бино ижараси –150000 сум.
4). ишлаб чикаришдаги асбоб- ускуналар амортязацияси – 50000 сум.
5). бинони электр энергияси билан таъминлаш харажатлар 80000 сўм

**Қўшимча ахборотлар:**

1) Чорак давомида 800 бирлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.
2) 600 бирлик махсулотнинг хар бири бирлиги - 4500 сўмдан сотилди.
3) Ишлаб чиқариш учун бино майдонининг 2/3 қисмидан фойдаланилди, қурлган кисми маъмурият учун фойдаланилди.
4) Электр энергиянинг 3/4 қисми ишлаб чиқаришни таъминлаш учун ишлатилди.
5) Январда компания акционерлар қўйиган 5000000 сўмлик Устав капитали билан фаолият бошлаган.
6) Даромад (фойда) солик ставкаси 26 фоизга тенг.

**Топшириқ**

1) Харажатлар фаолият турлари ўртасида туркумларга ажратинг ва тақсимланг.
2) Харажатлар бухгалтерия хисоби счётлари тизими орқали акс эттиринг.
3) 1-чорак учун даромад солиғи суммасини ва соф фойдани аниқлаб, молиявий хисобот шаклларида акс эттирилишини баён қилинг.

**Тест саволлари:**

1 Релевант даражаси оралиғида бир дона махсулот турига тўғри келадиган ўзгарувчан харажатлар:

а) хар бир ишлаб чиқариш хажмида турлича бўлади;

б) хар бир ишлаб чиқариш хажмида узгармасдан колади;

в) хар бир ишлаб чикариш хажмига караб пропорционал узгаради;

г) тугри жавоб йук.

2. Корхона уз фаолиятини келгуси йилга режалаштиришда, реализация хажмини 6.000.000 п.б. етказиш учун куйидаги маълумотларни тайёрлади:

| № | Харажатлар тури | узгарувчан харажатлар (п.б.) | доимий харажатлар (п.б.) |
|---|---|---|---|
| 1. | Тугри моддий харажатлар | 1.600.000 | — |
| 2. | Тугри иш хаки харажатлари | 1.400.000 | — |
| 3. | Умумишлаб чикариш харажатлари | 600.000 | 900.000 |
| 4. | Маркетинг харажатлари | 240.000 | 360.000 |
| 5. | Маъмурий бошкарув харажатлари | 60.000 | 40.000 |
| | ЖАМИ: | 3.900.000 | 1.300.000 |

Шу мисолда критик нукта пул бирлигида канчага тенг булади?

а) 2.250.000

б) 4.000.000

в) 3.500.000

г) 5.300.000

3. Корхона 200.000 дона махсулот сотишни режалаштирмокда. Шундан доимий харажатлар - 400.000 п.б. ва узгарувчан харажатлар - сотиш бахосининг 60% ташкил килган. Корхона 100.000 п.б.да фойда олиши учун, сотилаётган махсулот бирлиги (донаси)нинг бахоси кандай булиши керак:

а) 3.75 п.б.

б) 4.17 п.б.

в) 5.00 п.б.

г) 6.25 п.б.

4. Корхона ишлаб чикарилган махсулотнинг хар бир донасини 27 п.б.да сотмокчи. Хар бир дона махсулотга тугри келадиган узгарувчан харажатлар - 15 п.б.ни, доимий харажатлар бир ойга 197.040 п.б. ташкил килади. Шу вазиятда сотишнинг критик нуктаси неча дона махсулот бирлигига тенг?

а) 16420

б)11.590

в) 11.950

г) 16.240

5. 4-тест материалидан (мисолдан) фойдаланиб, махсулот реализациясининг критик нуктаси хажмини пул бирлигида топинг.

а) 312.930

б) 322.650

в) 443.340

г) 438.480

6. 4-тест саволи материалларидан фойдаланиб топингчи, корхона 6.000 п.б. фойда олиши учун (бир ойда) неча дона махсулот сотиши керак булади?

а) 12.450 дона

б) 16.740 дона

в) 12.090 дона

г) 16.920 дона

7. 4-тест саволи материалларидан фойдаланиб топингчи, корхона бир ойда реклама харажатларини яна қўшимча 15.000 п.б. кўпайтириб, 9.000 п.б. фойда олиши учун, ўша ойда неча дона махсулот сотиши лозим?

а) 18.240 дона

б) 18.420 дона

в) 13.590 дона

г) 13.950 дона

## Масалалар ва муаммолар

### 1. Реализация (маҳсулотни сотиш) таркибини аниқлаш ва танлаш.

Фараз килайлик, корхона, ручкалар ишлаб чиқаради ва сотади. Хар бир дона ручкага тўғри келадиган ўзгарувчан харажатлар - 3 п.б., доимий харажатлар - Г.

а) корхона хар бир ручкани 5 п.б.да жами 600.000 ручка сотиб 200.000 п.б. миқдорида фойда кўриши мумкин.

б) ёки 350.000 дона ручкани 6 п.б.да ва яна 200.000 донасини 4 п.б.да сотиши мумкин.

Корхона шу иккала вариантнинг қайси бирини танлайди?

### 2. Фойдани ҳисоблаш ва бахони режалаштириш

Корхона жуда юқори рейтингга эга. Менежер бозорда салмоқли улуш олиш учун харакат қилаяпти. Хар бир сотилаётган маҳсулотнинг баҳоси 5 п.б., бу бахо бозорда сотилаётган худди шундай маҳсулотларнинг баҳосидан анча паст. Маҳсулотнинг бир донасига тугри келадиган узгарувчан харажатлар 4.50 п.б., доимий харажатларнинг миадори шу йили 600.000 п.б.ни ташкил килган.

**Талаб қилинаяпти:.**

а) фараз килайлик, корхона шу йили 1.000.000 дона махсулот сотиши мумкин. Шу холатда корхонанинг фойдаси кднча булади?

б) менежер бозорда режалаштирган мавкеини эгаллади деб фараз килайлик. Шу вактда корхона 30.000 п.б. фойда олиши учун бир дона махсулотнинг нархини неча п.б.да белгалаши лозим.

## 3 .Критик нукта тахлили

Режалаштирилаётган йилда сотилиши мўлжалланаётган маҳсулот бўйича қуйидаги маълумотлар мавжуд:

| № | Вир дона маҳсулотга тўғри келадиган ўзгарувчан ҳаражатлар | п.б.да |
|---|---|---|
| 1 | Тўғри моддий харажатлар | 2.300 |
| 2 | Тўғри иш хаки харажатлари | 800 |
| 3 | Умум ишлаб чиқариш харажатлари | 600 |
| | Реализация харажатлари | 500 |
| № | Жами доимий харажатлар | п.б.да |
| 1 | Умум ишлаб чиқариш харажатлари | 195.000 |
| 2 | Реклама харажатлари | 55.000 |
| 3 | Маъмурий-бошкарув харажатлари | 68.000 |

Сотилиш баҳоси - 96.000

## Талаб қилинади:

1. Режалаштирилаётган йил учун критик нуқтани ҳисоблаш.
2. Шу йили 65 дона маҳсулот сотилган бўлса, корхона канча фойда кўрган?
3. Корхона менежери келгуси йил учун режалар тузмокда:

а) корхона 95,400 п.б.да фойда олиш учун қанча маҳсулот сотиши лозим.

б) сотиш (реализация) хажми 20% кўпайиб, бир дона маҳсулотнинг баҳоси 0.500 п.б. камайса, фойда қанчани ташкил килади?

в) реклама харажатлари 47.700 п.б.га купаядиган бҳлса, критик нуқтани топинг.

Барча вариантлар бир-бирига боғланмай, мустақил ечилиши кўзда тутилган.

## Вазиятли мисоллар

Корхона режалаштирилаётган йилда янги маҳсулот турини ишлаб чиқармокчи. Бу эса кўпрок, қўшимча маблағлар ёки қўшимча мехнат харажатларини кўпайтириш усули орқали амалга оширилиши мумкин. Лекин, иккала усулнинг қайси бирини танлашдан катъий назар маҳсулотнинг сифати ўзгармайди.

Қуйидаги маълумотлар мавжуд:

| | | Қўшимча маблаг сарфи усули (п. б.) | Қўшимча мехнат сарфи усули (п. б.) |
|---|---|---|---|
| 1 | Хом ашё | 5,00 | 5.60 |
| 2 | Тўғри меҳнат харажатлари | 0.5 иш соати 1 2 дан = | 0.8 иш соати 9 дан |
| | | 6.00 | =7.20 |
| 3 | Ўзгарувчан умум ишлаб чиқариш харажатлари | 0.5 иш соати 6 дан = 3.00 | 0.8 иш соати 6 дан = 4.80 |
| 4 | Кўшимча доимий умум ишлаб чиқариш харажатлари | 2.440.000 | 1.320.000 |

Бир дона маҳсулотнинг реализация баҳосини 30 п.б.да белгилаш қабул қилинган. Фараз қилинаяптики, маҳсулот қайси усулда ишлаб чиқилишидан катъий назар йиллик тижорат харажатлари 500.000 п.б.ни ва хар бир дона сотилган маҳсулотга яна қўшимча 2 п.б.ни ташкил қилади.

## Талаб килинаяпти

1. Иккала усул буйича хам корхонанинг махсулот ишлаб чикариши буйича критик нуктасини хисоблаб топинг.

а) Кушимча маблагли усул •

$1_г$;

б) К^ушимча мехнатли усул,

2 Иккала усулда хам корхона учун бир хил булиши мумкин булган махсулотлар реализацияси хажмини аниклаш

3. Кайси холатда шу усулнинг кайси бирини мумкинлигини тушунтириб беринг.

# 10 - МАВЗУ: КОРХОНАНИНГ СЕГМЕНТАР ХИСОБОТИ

## Тест саволлари

1. Чизиқли программалаш моделидан бир-бири билан чизиқли алоқада бўлган узоқ муддатли қарорларни қабул қилишда фойдаланган маъқулроқми?
   а) Ха;
   б) Йуқ;
   в) турли шароитда турлича;
   г) тўғри жавоб йук.

2. Чизиқпи программалаш моделининг асосий функцияси, бу:
   а) ишлаб чиқарилаётган маҳсулот хажмини кўпайтириш
   б) маҳсус лойихалар учун маьлумотлар (миқдорини) сонини камайтириш
   в) иккала банд хам тўғри (а ва б бандлар)
   г) иккала банд хам нотўғри (а ва б бандлар)

3. Чизикли программалаш моделида энг критик вазиятлардан бири компьютерларда ўрнатиладиган программалар пакетидан фойдаланишдир, шундайми?
   а) Ха;
   б) Йук;
   в) Турли шароитда турлича;
   г) тўғри жавоб йук.

4. Чизиқли программалаш моделини умумий чеклашлар сони учтадан кўп бўлган пайтдаги ҳолатларга нисбатан қуллаш мумкинми?

   а) Ха;
   б) Йўқ;
   в) турли шароитда турлича;
   г) тўғри жавоб йук

5. Чизиқли программалаш модели графигида маржинал фойда суммаси тенг бўлган чизиқнинг эгилиш бурчаги хдм мақсадли функциядагидек бўладими?
   а) Ха;
   б) Йўқ;
   в) турли шароитда турлича;
   г) тўғри жавоб йўқ

6. Чизиқли программалаш моделида асосий фараз қилинаётган нарса, бу
а) барча харажатлар - уўгарувчан харажатлардир;
б) чеклашлар бўйича барча тенгсизликлар эҳтимоллар кўринишида ифодаланади;
в) иккала банд хам тўғри (а ва б бандлар);
г) иккала банд хам нотўғри (а ва б бандлар);

7. Компания ўзининг фаолиятини кенгайтириш мақсадида бир неча шуба корхоналар очишни режалаштирмовда. Бунинг учун компания ихтиёрида эркин тарздаги 10 400 000 сўм пул маблағи мавжуд. Компания икки хилдаги шуъба корхонасини очмоқчи: (А типдаги) 20 ишчи ишлайдиган ва 10 ишчи- хизматчиси бўлган В типидаги корхона. Ана шу корхоналарга бирламчи молиявий қўйилма миқдори қуйидаги хажмда белгиланган: А типидагиси учун - 1 300 000 сум ва В типидаги учун - 670 000 сум. Режалаштирилаётган хар бир йил учун фойда миқдори А типдаги корхонадан - 92 000 ва В типдаги корхоналардан 36 000 сўм. Компания 200 кишидан ортик ишчи хизматчи олмокчи эмас ва 20 та шуъба корхонаси очмоқчи. Неча дона шуъба корхонаси очиш лозимлиги чизикди программалаш модели орқали аниқланмоқда. Чизиқли программалаш моделидаги тенгсизликларда қуйидаги келтирилаётган қайси тенгсизликлар чекланиш сифатида қаралмаслиги мумкин?
а) А+В = 20
б) 20хА+10хВ<200
в) 92000хА +36000хВ<128000
г) 1300000хА+670000хВ<10400000

# Муаммолар ва вазифалар

## 1. Ишлаб чикаришнинг оптимал режаси.

"Умар" ОТАЖ икки хил мах,сулот, яъни компьютер хамда принтер йигғди ва уларни сотади. Харидорлар компьютерни алоҳида сотиб олишлари мумкин ёки унга қўшиб принтерни хам ҳарид қилиш имкониятига эгалар. Принтер эса алоҳида сотилмайди. Шу тамойилга мувофиқ сотилган принтерлар сони сотилган компьютерлар сонига тенг ёки унинг сонидан кам бўлиши мумкин. Хар бир компьютердан акциядорлик жамияти оладиган маржинал фойда 50 000 сўмни ва хар бир принтер дан кўриладиган маржинал фойда 100 000 сўмни ташкил қилади.

Хар бир принтер иккита ишлаб чиқариш линиясидан ўтиб йиғилади ва сотувга тайёр бўлади. Битта принтер 1-линияда 6 соатда ва 2-линияда 10 соатда йиғилади. Битта компьютер бўлса, 1-линияда 4 соатда йиғилиб, сотувга тайёр бўлади. Акциядорлик жамиятининг 1 -йиғув линияси суткасига 24 соат ишлайди, 2-йиғув линияси бир сутка давомида - 20 соат. Фараз қилайлик, X - бу принтерлар сони, У — компьютерлар сони.

## Талаб қилинади:

1. Вужудга келиши мумкин бўлган барча муносабатларни чизиқли программалаш модели форматида акс эттиринг;

2. "Умар" ОТАЖ энг юкрри даражада фойда олиш имкониятини компьютерлар ва принтерларнинг қайси миқдори таъминлайди? Масалани ечишда хар иккала усул, яъни график усулдан хам синаш ва хатолар усулидан фойдаланинг.

## 2. Харажатларни камайтириш.

"Мирзо" деҳкон-фермер ҳўжалиги қишлок ҳўжалик экинларига минерал ўгитлар солишни амалга оширмоқчи. Бунинг учун ҳисоб-китобларга асосан 4 800 кг азотли ва 5 000 кг фосфорли ўгит керак булади.

Минерал ўгитлар махсус ҳалталарда сотилмоқда. "Экстра" русумли ҳалтада иккита пакет бўлиб, унинг биттасига 20 кг азот ва 80 кг фосфор ўгити солинган яъни битта ҳалтанинг умумий оғирлиги 100 кг. Ана шу "экстра" русумли битта ҳалтанинг баҳоси 1 500 сум.

"Минерал" русумли ҳалтанинг хам хар бирида 100 кг ўгит бўлиб, шундан 75 кг - азот ва 25 кг - фосфор баҳоси 4 500 сум.

Фараз килайлик, X - бу "экстра" русумли ҳалталар сони ва У - "минерал" русумли ҳалталар сони.

## Талаб қилинади:

"Мирзо" дехкон-фермер хўжалиги ўзига керак бўлган минерал ўгитларни энг кам харажат билан сотиб олиши учун хар бир ҳалтадан қанчадан харид килиши лозим? Масалани график кўринишида ечинг.

## 3. Махсулотларниig олтимял ассортименти.

"Доимий беминнат хизмат" корхонасининг бир нечта озик-овқат магазинлари бўлиб, уларнинг хар бири суткасига 24 соат ишлайди. Барча магазинларнинг майдони бир ҳил бўлиб, уларнинг хажми 80 кв. метрдан. Магазинларда сотиладиган барча товарлар икки гурухга умумлаштирилган: бакколлик-гастрономия маҳсулотлари ва кундалик эхтиёж моллари. Корхона рахбарлари хар бир магазин камида 20 кв. метрдан бакдоллик-гастрономия маҳсулотлари сотуви учун ва 16 кв. метрдан кундалик эхтиёж моллари сотуви учун ажратишлари лозимлигини белгилаб берган. Мана шу чеклашлар доирасида хар бир магазин мудири маҳсулотлар ассортиментини мустақил тарзда ўзи танлаши мумкин.

Бир магазин мудири хар бир кв. метр жой учун маржинал фойда миқдорини қуйидагича белгиламокда:

- бакколлик-гастрономия маҳсулотлари 5000
- кундалик эхтиёж моллари 1 500

## Талаб килинади:

Магазин мудири олдида турган муаммони аниқланг ва унинг чизиқли программалаш моделини тузинг;

Нима учун корхона хар бир гурух товар сотуви учун лозим бўлган энг кичик майдонни аниқлайди?

Ана шу магазин учун ҳар бир товар гурухидан қанчадан миқдор бўлиши лозим бўлган оптимал хажмни топинг. Бунинг учун хар иккала усул, яъни график усулдан хам, синаш ва хатолар усулидан хам фойдаланинг.

## Вазиятли масалалар

Корхона металдан икки ҳил, яъни кўтарувчи ва йиғувчи қурилма ишлаб чиқарадиган янги цехни ишга туширди. Цехнинг ихтиёрида 5 дона металга шакл берувчи ва яна 5 дона метални кесувчи станоклар мавжуд бўлиб, бу станокларнинг барчаси ижарага олинган. Хар бир станокнинг ижара ҳақи учун корхона бир ойда 30 000 сўм тўлайди. Станокларнинг бир ойлик ишлаб чиқариш қуввати 400 соатдан. Қўшимча тарзда станоклар олиш имконияти йўк.

Қуйидаги маълумотлар мавжуд:

| Кўрсаткичлар | Бир дона маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланадиган машина-соат | | |
|---|---|---|---|
| | | йиғувчи | Жами, бир ойда |
| металлга шакл берувчи станоклар | 2 | 2 | 2000 |
| металлни кесувчи станоклар | 1 | 2 | 2000 |

Цех бухгалтери қўшимча тарзда яна қуйидаги маълумотларни берди:

| | кўтарувчи | йиғувчи |
|---|---|---|
| Бир донасининг сотиш баҳоси, минг сўмда | 18 | 27 |
| Бир донасининг ўзгарувчан харажатлари, минг | 14 | 20 |

Йиғувчи қурилмага талаб чексиз, кўтарувчи қурилмалардан эса корхона рахбарлари бир ойда 800 донадан ортиқ сотиш мумкин эмас деб фараз қилишаяпти. Қуйида мана шу ҳолатнинг чизиқли программаси модели ва унинг графиги келтирилган. Корхона имкон қадар энг кўп миқдорда фойда олмоқчи ва бунинг учун зарур бўлган ишлаб чиқариш хажмига (Оич) эришмоқчи.

Чизиқли программалаш модели

Мф = 4хК + 7хЙ бўлади, қуйидаги шартлар бажарилса

$К + 2хЙ < 2000$
$2хК +$
$2хЙ < 2000 \quad К <$
$800 \, К, Й > 0$

бу ерда, К 0 ишлаб чиқарилган ва сотилган кўтарувчи қурилма
И О ишлаб чиқарилган ва сотилган йиғувчи қурилма
Мф 0 каржинал фойда суммаси.

**Мана шу масала график**




**Талаб қилинади:**

1. Хдр бир вазиятни алохида кўриб чиққан холда куйидаги вазифаларни бажаринг:
2. Маржинал фойданинг энг юкори микдорини топинг;
3. Кўтарувчи қурилмага талабни 1000 донага етказиш учун реклама харажатларини яна қанча суммага ошириши мумкинлигини топинг;

# 11-МАВЗУ:

# УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА БОШКАРУВ ХИСОБОИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙУНАЛИШЛАРИ

## Тест топшириклари

1. "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги" Узбекистон Республикасининг конуни қачон к,абул қилинган?
   А. 1997 йил 1 январ
   В. 1996 йил 30 август
   С. 1998 йил 27
   феврал
   Д. 1999 йил 1 январ
   Е. 2000 йил 26 май

2. Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари биринчи марта қачон давлат рўйхатидан ўтган ва хозирги кунда нечта стандартдан амалиётда фойдаланилмокда?
   А. 1996 йил 1 январ, 21 та
   В. 1997 йил 30 август , 10 та
   С. 1998 йил 27 феврал, 21 та
   Д. 1998 йил 14 август, 21 та
   Е. 2000 йил 15 май, 24 та

3. Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш қайси орган зиммасига юклатилган?

   А. ЎзР Вазирлар Махкамаси
   В. ЎзР Олий Мажлиси
   С. ЎзР Молия вазирлиги
   Д. Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси
   Е. ЎзР Иқтисодиёт вазирлиги

4. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг 21-сонли "Хўжалик юритувчи субъектлар молия-хўжалик фаолиятини счетлар режаси ва уни қўллаш бўйича Йуриқнома" номли миллий стандарти қачон тасдиқланган?
   А. ЎзР Молия вазирлигининг 2002 йил 9 сентябрдаги 103-сонли қарори билан тасдиқланган ва Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 23 октябрда 1181-сон билан рўйхатга олинган
   В. ЎзР Молия вазирлигининг 2002 йил 10 мартдаги 36-сонли қарори Билан тасдиқланган ва Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 22 октябрда 1179-сон билан рўйхатга олинган
   С. ЎзР Молия вазирлигининг 2002 йил 26 апрелдаги 25-сонли қарори Билан тасдикланган ва Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 13 сентябрда 1086-сон билан руйхатга олинган
   Д. ЎзР Молия вазирлигининг 2002 йил 15 январдаги 16-сонли қарори билан

тасдиқланган ва Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 3 октябрда 1001-сон билан рўйхатга олинган

Е. Тўғри жавоб берилмаган

5. Ўзбекистон Республикаси 21-сонли БХМСга мувофиқ счетлар режаси нечта қиём ва бўлимдан иборат?

А. 5 киём ва 10 бўлим В. 4 киём ва 9 бўлим

С. 6 киём ва 8 бўлим

Д. 5 киём ва 9 бўлим

Е. 4 киём ва 10 бўлим

6. Корхона ҳисоб сиёсатининг моҳияти Ўзбекистон Республикаси буҳгалтерия ҳисобининг қайси миллий стандартида баён этилган?

А. БХМС № 2

В. БХМС № 3

С. БХМС № 4

Д. БХМС № 5

Е. БХМС № 1

7. "Маҳсулот (иш ва ҳизмат)лар таннархига киритиладиган, маҳсулот (иш ва хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби хамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида"ги Низом қачон тасдиқланган?

А. ЎзР Вазирлар Махкамасининг 1999 йил 1 январдаги 453-сонли қарори билан

В. ЎзР Вазирлар Махкамасининг 1997 йил 15 январдаги 553-сонли қарори билан

С. ЎзР Вазирлар Махкамасининг 1998 йил 1 февралдаги 213-сонли қарори билан

Д. ЎзР Вазирлар Махкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 444-сонли қарори билан

Е. ЎзР Вазирлар Махкамасининг 1999 йил 1 январдаги 221-соили қарори билан

8. "Маҳсулот (иш ва хизмат)лар таннархига киритиладиган, маҳсулот (иш ва хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби хамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида"ги Низом неча бўлимдан иборат?

А. А, Б, В бўлимдан

В. А, Б, В, Г бўлимдан

С. А, Б, В, Г, Д бўлимдан

Д. А, Б, В, Г, Д, Е бўлимдан

E. АД бўлимдан

9. Қайси қаторда Республикамизда бошқарув ҳисобини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари келтирилган?
   A. Корхоналар фаолиятини бюджетлаштириш (режалаштириш);
   B. Бошқарув ҳисобини юритишга мўлжалланган янги счетлар режасини ишлаб чиқиш, харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархини аниқлашнинг замонавий усул ва тизимларини қўллаш имкониятларини бахолаш
   C. Инвестиция лойихалари бўйича бошкарув қарорлари қабул қилиш
   Д. Сегментлар бўйича ҳисоб юритиш ва ҳисобот тузишни ташкил қилиш, корхоналарда трансферт баҳони шакллантириш усулларини жорий этиш
   E. Барча жавоблар тўғри

10. Бошкарув ҳисоби счетлар режаси ...
   A. Баланс счетлари, яъни баланс тузишда иштирок этувчи счетлар
   B. Операцион, "Харажатлар - ишлаб чиқариш хажми - фойда" усули бўйича молиявий натижаларни аниқлашда кўлланиладиган ва бошқарув бухгалтериясида фойдаланиладиган счетлар ҳисобланади
   C. Факатгина балансдан ташкари счетлардан иборат
   Д. Молиявий ҳисоб счетларини ўз ичига олади
   E. Фақатгина транзит счетларни қамраб олади

**Саволлар:**

1. Бошқарув ҳисобини такомиллаштиришда бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари қандай ўрин тутади?
2. Республикамизда бошқарув ҳисобини мукаммаллаштиришда буҳгалтерия ҳисоби турлари ўртасидаги алоқадорликни қандай изохлайсиз?
3. Бошқарув ҳисобини ривожлантиришнинг назарий йуналишлари нималардан иборат?
4. Бошқарув ҳисобини ривожлантиришнинг амалий йуналишларини санаб беринг.
5. Корхоналарда бошқарув ҳисобини самарали ташкил этишда бошқарув ҳисоби счетлар режаси қандай ахамиятга эга?

# ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЕГЛАР.

1. А. Каримов Ф. Исломов А. Авлакулов Буҳгалтерия хисоби «Шарк» Т.2004 й
2. А. Пардаев Бошқарув ҳисоби "Академия" Т. 2002Й.
3.Б.А. Хасанов, А.А. Хошимов Бошқарув ҳисоби "Иқтисод молия" Т.2005й
4. М. Умарова Буҳгалтерия ҳисоби Т. «Нашриёт» 2005Й.
5. Молиявий ҳисоб. КАРАНА корпоратцияси, Т., 2002 и.
6. Сотиволдиев А., Иткин Ю. Замонавий буҳгалтерия ҳисоби. (Янги счётлар режаси асосида), ПБ ва АА-2002 и., 1-2 том.
7. Гуломова Ф.Бухгалтерия ҳисобидан мустақил ўрганиш учун қўлланма. Т. «Мехнат» 2001 и.
8. Ўзбекистон Республикасининг «бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонуни. Т., «Ҳалк сўзи» газетаси. 1996 и.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 1999 и. 5 февралдаги 54-сонли қарори. «Маҳсулотлар (иш, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби хамда молиявий натижаларни шакиллантириш таркиби тўғрисида»ги Низом. Т., «Ўзбекистон Республикаси молиявий қонунлари» ойлик нашр 1999 й.
10. Узбекистон Республикаси молия вазирлигининг 1997 йил 15 январ 5-сон буйруғи (1997 йиллик ва ярим йиллик ҳисоботи тўлдириш тўғрисида). Т., «Ўзбекистон Республикасининг молиявий қонунлари» ойлик нашр 1997 й
11. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. Т., Ўзбекистон Республикаси Молиявий тўпламлари, 1997 й.
12.Ўзбекистон Республикаси молиявий қонунлари тўпламлари. 2000-2002Й.
13. Палий В.Ф. Управленческий учет - М.: Союзаудит. 1997 й.
14. Хонргрен Ч.Т. Фостер Дж. Бухгалтерский учет: Управленческий аспект - М.: Финансу и статистика. 1995 й.
15. Бобожонов О., Хасанов Б. Финансовой учет - изд. ТГЭУ, 2001 й.
16.Палий В.Ф., Палий В.В. Финансовой учет - М.: ФБК. 1997 й.